ҚҲММБ: 09/20/93/0180-сон
18.02.2020 й.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI

ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

«17» февраль 2020 y. № 90 Toshkent sh.

# Спорт-таълим муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Спорт-таълим муассасаларидан фойдаланиш даражасини ва улар фаолияти самарадорлигини янада ошириш, болаларни спорт билан мунтазам равишда шуғулланишга жалб этишни кенгайтириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5 та муҳим ташаббусида белгиланган вазифалар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистонда футболни ривожлантиришни мутлақо янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида" 2019 йил 4 декабрдаги ПФ–5887-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг 1-иловага мувофиқ 2020–2024 йилларда:

босқичма-босқич қуриладиган спорт иншоотларида 23 та болалар ва ўсмирлар спорт мактабларини;

етарли спорт иншоотларига эга 68 та болалар ва ўсмирлар спорт мактабларининг филиалларини ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Қуйидагилар назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги тизимидаги спорт-таълим муассасаларининг фаолияти самарадорлигини рейтинг тизими асосида баҳолаш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

**биринчи** – спорт-таълим муассасаларининг фаолияти самарадорлигини рейтинг тизими асосида баҳолаш тартибини белгилаш;

**иккинчи** – спорт-таълим муассасаларининг фаолияти даражаси ва сифатини ошириш ҳамда уларнинг фаолияти самарадорлигини аниқлаш;

**учинчи** – спорт-таълим муассасаларида спорт разрядлари ва унвонларига эга бўлган спортчилар сонини кўпайтириш натижаларига кўра иқтидорли спортчиларни танлаш, тайёрлаш, селекция қилиш (саралаш) ишларини ташкил қилиш;

**тўртинчи** – спорт-таълим муассасаларида фаолият юритаётган тренерлар, методистлар, шифокорларнинг салоҳиятини оширишга эришиш;

ҚҲММБ: 09/20/93/0180-сон
18.02.2020 й.



**бешинчи** – тегишли рейтинг индикатори бўйича энг юқори кўрсаткичга эга бўлган спорт-таълим муассасаларини аниқлаш;

**олтинчи** – рейтинг натижаларини ҳар йили оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб бориш.

3. Белгилаб қўйилсинки, 2020 йилда ташкил этилиши режалаштирилаётган болалар ва ўсмирлар спорт мактабларини сақлаш харажатлари Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига ажратилган маблағлар доирасида амалга оширилади, 2021 йилдан бошлаб эса – Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетида назарда тутилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги:

Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастурлари лойиҳаларини шакллантиришда ушбу қарорга мувофиқ ташкил этиладиган спорт объектлари белгиланган тартибда киритилишини таъминласин;

янгидан ташкил этиладиган болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари уставларини белгиланган тартибда тасдиқласин ва уларнинг давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин;

янгидан ташкил этиладиган болалар ва ўсмирлар спорт мактабларини ҳамда болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари филиалларини юқори малакали бошқарув кадрлари ва тренерлар билан таъминлаш чораларини кўрсин;

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлиги билан биргаликда 2020 йил 1 апрелгача болалар ва ўсмирлар спорт мактабларининг намунавий штатлар меъёрларини қайта кўриб чиқиш чораларини кўрсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси А.А. Абдуҳакимов ҳамда Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазири Д.Х. Набиев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**
**Бош вазири** **А. Арипов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM № 3

ҚҲММБ: 09/20/93/0180-сон
18.02.2020 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “17” февралдаги
90-сон қарорига
1-илова

**2020–2024 йилларда босқичма-босқич ташкил этиладиган болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ҳамда болалар ва ўсмирлар спорт мактабларининг филиаллари**
**РЎЙХАТИ**

| Т/р | Ташкил этиладиган болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ва филиаллари номи | Ташкил этиш муддати |
|---|---|---|
| **I. Ташкил этиладиган болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари** | | |
| **Қорақалпоғистон Республикаси** | | |
| 1. | Нукус шаҳри 3-сонли БЎСМ | 2021 йил |
| 2. | Элликқаъла тумани 2-сонли БЎСМ | 2022 йил |
| **Андижон вилояти** | | |
| 3. | Пахтаобод тумани 2-сонли БЎСМ | 2021 йил |
| 4. | Қўрғонтепа тумани 3-сонли БЎСМ | 2024 йил |
| **Бухоро вилояти** | | |
| 5. | Жондор тумани 2-сонли БЎСМ | 2020 йил |
| 6. | Пешку тумани 2-сонли БЎСМ | 2021 йил |
| **Жиззах вилояти** | | |
| 7. | Ғаллаорол тумани 2-сонли БЎСМ | 2023 йил |
| 8. | Фориш тумани 2-сонли БЎСМ | 2024 йил |
| **Навоий вилояти** | | |
| 9. | Навбаҳор тумани 2-сонли БЎСМ | 2022 йил |
| **Наманган вилояти** | | |
| 10. | Поп тумани 2-сонли БЎСМ | 2020 йил |
| **Самарқанд вилояти** | | |
| 11. | Боёвут тумани 2-сонли БЎСМ | 2022 йил |
| **Сирдарё вилояти** | | |
| 12. | Ховос тумани 2-сонли БЎСМ | 2020 йил |
| **Тошкент вилояти** | | |
| 13. | Ангрен шаҳар 2-сонли БЎСМ | 2020 йил |
| 14. | Зангиота тумани 2-сонли БЎСМ | 2020 йил |
| 15. | Янгийўл тумани 2-сонли БЎСМ | 2020 йил |
| 16. | Қуйи Чирчиқ тумани 2-сонли БЎСМ | 2020 йил |
| **Фарғона вилояти** | | |
| 17. | Қувасой шаҳар 2-сонли БЎСМ | 2023 йил |
| **Хоразм вилояти** | | |
| 18. | Шовот тумани 2-сонли БЎСМ | 2020 йил |
| **Қашқадарё вилояти** | | |
| 19. | Қамаши тумани 2-сонли БЎСМ | 2021 йил |

ҚҲММБ: 09/20/93/0180-сон
18.02.2020 й.



| | | |
|---|---|---|
| 20. | Китоб тумани 2-сонли БЎСМ | 2021 йил |
| 21. | Косон тумани 2-сонли БЎСМ | 2022 йил |
| | **Тошкент шаҳар** | |
| 22. | Сергели тумани 2-сонли БЎСМ | 2020 йил |
| 23. | Учтепа тумани 3-сонли БЎСМ | 2021 йил |
| | **II. Ташкил этиладиган болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари филиаллари** | |
| | **Қорақалпоғистон Республикаси** | |
| 24. | Нукус шаҳри 4-сонли БЎСМ (Нукус шаҳри 1-сонли БЎСМ филиали) | 2020 йил |
| 25. | Чимбой тумани 2-сонли БЎСМ (Чимбой тумани 1-сонли БЎСМ филиали) | 2020 йил |
| 26. | Нукус шаҳри 5-сонли БЎСМ (Нукус шаҳри 2-сонли БЎСМ филиали) | 2021 йил |
| 27. | Кегейли тумани 2-сонли БЎСМ (Кегейли тумани 1-сонли БЎСМ филиали) | 2021 йил |
| 28. | Амударё тумани 2-сонли БЎСМ (Амударё тумани 1-сонли БЎСМ филиали) | 2022 йил |
| 29. | Қўнғирот тумани 2-сонли БЎСМ (Қўнғирот тумани 1-сонли БЎСМ филиали) | 2022 йил |
| 30. | Мўйноқ тумани 2-сонли БЎСМ (Мўйноқ тумани 1-сонли БЎСМ филиали) | 2023 йил |
| | **Андижон вилояти** | |
| 31. | Избоскан тумани 2-сонли БЎСМ (Избоскан тумани 1-сонли БЎСМ филиали) | 2020 йил |
| 32. | Андижон шаҳри 3- сонли БЎСМ (Андижон шаҳри 2-сонли БЎСМ филиали) | 2021 йил |
| 33. | Асака тумани 2-сонли БЎСМ (Асака тумани 1-сонли БЎСМ филиали) | 2023 йил |
| 34. | Марҳамат тумани 2-сонли БЎСМ (Марҳамат тумани 1-сонли БЎСМ филиали) | 2023 йил |
| | **Бухоро вилояти** | |
| 35. | Бухоро тумани 2-сонли БЎСМ (Бухоро шаҳар ИБЎСМ филиали, отчопар) | 2020 йил |
| 36. | Ғиждувон тумани 2-сонли БЎСМ (Ғиждувон тумани 1-сонли БЎСМ филиали) | 2021 йил |
| 37. | Қоракўл тумани 2-сонли БЎСМ (Қоракўл тумани 1-сонли БЎСМ филиали) | 2022 йил |
| 38. | Ромитан тумани 2-сонли БЎСМ (Ромитан тумани 1-сонли БЎСМ филиали) | 2021 йил |
| 39. | Вобкент тумани 2-сонли БЎСМ (Вобкент тумани 1-сонли БЎСМ филиали) | 2022 йил |
| | **Жиззах вилояти** | |
| 40. | Шароф Рашидов тумани 2-сонли БЎСМ (Шароф Рашидов тумани 1-сонли БЎСМ филиали) | 2021 йил |
| 41. | Бахмал тумани 2-сонли БЎСМ (Бахмал тумани 1-сонли БЎСМ филиали) | 2022 йил |
| 42. | Зомин тумани 2-сонли БЎСМ (Зомин тумани 1-сонли БЎСМ филиали) | 2024 йил |
| | **Навоий вилояти** | |
| 43. | Кармана тумани 2-сонли БЎСМ (Кармана тумани 1-сонли БЎСМ филиали) | 2020 йил |
| 44. | Навоий шаҳар 3-сонли БЎСМ (Навоий шаҳар 1-сонли БЎСМ филиали) | 2021 йил |

| | | |
|---|---|---|
| 45. | Навоий шаҳар 5-сонли БЎСМ (Навоий шаҳар 2-сонли БЎСМ филиали) | 2021 йил |
| 46. | Кармана тумани 3-сонли БЎСМ (Кармана тумани 1-сонли БЎСМ филиали) | 2021 йил |
| 47. | Хатирчи тумани 2-сонли БЎСМ (Хатирчи тумани 1-сонли БЎСМ филиали) | 2021 йил |
| 48. | Қизилтепа тумани 1-сонли БЎСМ<br>Қизилтепа тумани 2-сонли БЎСМ (Қизилтепа тумани 1-сонли БЎСМ филиали) | 2022 йил |
| 49. | Нурота тумани 2-сонли БЎСМ (Нурота тумани 1-сонли БЎСМ филиали) | 2022 йил |
| 50. | Нурота тумани 3-сонли БЎСМ (Нурота тумани 1-сонли БЎСМ филиали) | 2022 йил |
| 51. | Навоий шаҳар 4-сонли БЎСМ (Навоий шаҳар 1-сонли БЎСМ филиали) | 2024 йил |
| | **Наманган вилояти** | |
| 52. | Учқўрғон тумани 2-сонли БЎСМ (Учқўрғон тумани 1-сонли БЎСМ филиали) | 2020 йил |
| 53. | Наманган шаҳар 4-сонли БЎСМ (Наманган шаҳар 2-сонли БЎСМ филиали) | 2020 йил |
| 54. | Тўрақўрғон тумани 2-сонли БЎСМ (Тўрақўрғон тумани 1-сонли БЎСМ филиали) | 2021 йил |
| 55. | Наманган шаҳар 3-сонли БЎСМ (Наманган шаҳар 1-сонли БЎСМ филиали) | 2022 йил |
| 56. | Косонсой тумани 2-сонли БЎСМ (Косонсой тумани 1-сонли БЎСМ филиали) | 2022 йил |
| 57. | Наманган тумани 2-сонли БЎСМ (Наманган тумани 1-сонли БЎСМ филиали) | 2022 йил |
| 58. | Чуст тумани 2-сонли БЎСМ (Чуст тумани 1-сонли БЎСМ филиали) | 2024 йил |
| | **Самарқанд вилояти** | |
| 59. | Булунғур тумани 2-сонли БЎСМ (Булунғур тумани 1-сонли БЎСМ филиали) | 2020 йил |
| 60. | Самарқанд шаҳар 3-сонли БЎСМ (Самарқанд шаҳар 1-сонли БЎСМ филиали) | 2021 йил |
| 61. | Самарқанд шаҳар 4-сонли БЎСМ (Самарқанд шаҳар 1-сонли БЎСМ филиали) | 2021 йил |
| 62. | Самарқанд шаҳар 5-сонли БЎСМ (Самарқанд шаҳар 2-сонли БЎСМ филиали) | 2022 йил |
| 63. | Иштихон тумани 2-сонли БЎСМ (Иштихон тумани 1-сонли БЎСМ филиали) | 2023 йил |
| 64. | Пахтачи тумани 2-сонли БЎСМ (Пахтачи тумани 1-сонли БЎСМ филиали) | 2023 йил |
| | **Сирдарё вилояти** | |
| 65. | Гулистон тумани 2-сонли БЎСМ (Гулистон тумани 1-сонли БЎСМ филиали) | 2021 йил |
| 66. | Гулистон тумани 3-сонли БЎСМ (Гулистон тумани 1-сонли БЎСМ филиали) | 2023 йил |
| 67. | Сирдарё тумани 2-сонли БЎСМ (Сирдарё тумани 1-сонли БЎСМ филиали) | 2023 йил |
| | **Сурхондарё вилояти** | |
| 68. | Сариосиё тумани 2-сонли БЎСМ (Сариосиё тумани 1-сонли БЎСМ филиали) | 2020 йил |
| 69. | Шўрчи тумани 2-сонли БЎСМ (Шўрчи тумани 1-сонли БЎСМ филиали) | 2020 йил |
| 70. | Денов тумани 1-сонли БЎСМ (Денов тумани 1-сонли БЎСМ филиали) | 2021 йил |

| | | |
|---|---|---|
| 71. | Жарқўрғон тумани 2-сонли БЎСМ (Жарқўрғон тумани 1-сонли БЎСМ филиали) | 2022 йил |
| 72. | Қумқўрғон тумани 2-сонли БЎСМ (Қумқўрғон тумани 1-сонли БЎСМ филиали) | 2023 йил |
| | **Тошкент вилояти** | |
| 73. | Тошкент тумани 2-БЎСМ (Тошкент тумани БЎСМ филиали) | 2020 йил |
| 74. | Бўстонлиқ тумани 2-сонли БЎСМ (Бўстонлиқ тумани 1-сонли БЎСМ филиали) | 2023 йил |
| | **Фарғона вилояти** | |
| 75. | Боғдод тумани 2-сонли БЎСМ (Боғдод тумани 1-сонли БЎСМ филиали) | 2020 йил |
| 76. | Бешариқ тумани 2-сонли БЎСМ (Бешариқ тумани 1-сонли БЎСМ филиали) | 2020 йил |
| 77. | Фарғона шаҳар 3-сонли БЎСМ (Фарғона шаҳар 1-сонли БЎСМ филиали) | 2020 йил |
| 78. | Олтиариқ тумани 2-сонли БЎСМ (Олтиариқ тумани 1-сонли БЎСМ филиали) | 2021 йил |
| 79. | Риштон тумани 2-сонли БЎСМ (Риштон тумани 1-сонли БЎСМ филиали) | 2021 йил |
| 80. | Сўх тумани 2-сонли БЎСМ (Сўх тумани 1-сонли БЎСМ филиали) | 2021 йил |
| 81. | Фарғона шаҳар 4-сонли БЎСМ (Фарғона шаҳар 2-сонли БЎСМ филиали) | 2022 йил |
| 82. | Данғара тумани 2-сонли БЎСМ (Данғара тумани 1-сонли БЎСМ филиали) | 2022 йил |
| 83. | Ёзёвон тумани 2-сонли БЎСМ (Ёзёвон тумани 1-сонли БЎСМ филиали) | 2022 йил |
| | **Хоразм вилояти** | |
| 84. | Хонқа тумани 2-сонли БЎСМ (Ҳонқа тумани 1-сонли БЎСМ филиали) | 2021 йил |
| 85. | Янгибозор тумани 2-сонли БЎСМ (Янгибозор тумани 1-сонли БЎСМ филиали) | 2022 йил |
| 86. | Урганч тумани 2-сонли БЎСМ (Урганч тумани 1-сонли БЎСМ филиали) | 2023 йил |
| 87. | Ҳазорасп тумани 3-сонли БЎСМ (Ҳазорасп тумани 2-сонли БЎСМ филиали) | 2024 йил |
| | **Қашқадарё вилояти** | |
| 88. | Шаҳрисабз тумани 2-сонли БЎСМ (Шаҳрисабз тумани 1-сонли БЎСМ филиали) | 2022 йил |
| 89. | Косон тумани 3-сонли БЎСМ (Косон тумани 1-сонли БЎСМ филиали) | 2023 йил |
| 90. | Миришкор тумани 2-сонли БЎСМ (Миришкор тумани 1-сонли БЎСМ филиали) | 2023 йил |
| | **Тошкент шаҳар** | |
| 91. | Олмазор тумани 3-сонли БЎСМ (Олмазор тумани 2-сонли БЎСМ филиали) | 2022 йил |

**Изоҳ.** *Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирига зарур ҳолларда ҳудудий ҳокимликлар билан келишилган ҳолда 2020–2024 йилларда босқичма-босқич ташкил этиладиган болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ҳамда болалар ва ўсмирлар спорт мактабларининг филиаллари рўйхатига умумий сони доирасида манзили бўйича ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқи берилади.*

ҚҲММБ: 09/20/93/0180-сон
18.02.2020 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил "17" февралдаги
90-сон қарорига
2-илова

# Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги тизимидаги спорт таълим муассасаларининг фаолияти самарадорлигини рейтинг тизими асосида баҳолаш тартиби тўғрисида НИЗОМ

## 1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (кейинги ўринларда Вазирлик деб аталади) тизимидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, олимпия захиралари ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, олий спорт маҳорати мактаби, олимпия захиралари коллежи, олимпия ва миллий спорт турлари бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернати, футбол маҳорат мактаблари ҳамда республика олий спорт маҳорати мактаблари (кейинги ўринларда спорт-таълим муассасалари деб аталади) нинг фаолияти самарадорлигини рейтинг тизими асосида баҳолаш (кейинги ўринларда рейтинг баҳолаш деб аталади) тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низом талаблари Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган бошқа таълим муассасаларига нисбатан татбиқ этилмайди.

3. Спорт-таълим муассасаларини рейтинг баҳолаш Вазирлик томонидан ҳар йили холислик, ошкоралик ва адолат тамойилларига амал қилинган ҳолда амалга оширилади.

4. Спорт-таълим муассасаларининг фаолияти самарадорлиги рейтингини аниқлаш мазкур Низомга 1-иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

## 2-боб. Рейтинг баҳолашнинг мақсад ва вазифалари

5. Спорт-таълим муассасалари орасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, спорт-таълим муассасаларининг фаолият даражаси ва сифатини ошириш ҳамда уларнинг фаолияти самарадорлигини аниқлаш, спорт-таълим муассасаларини рағбатлантириш, республика миллий ва ҳудудий терма жамоаларига номзодларни тайёрлаш сифатини ошириш рейтинг баҳолашнинг мақсади ҳисобланади.

6. Қуйидагилар рейтинг баҳолашнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

спорт-таълим муассасаларида олимпия спорт турлари бўйича шуғулланувчилар сонини ошириш натижасида олимпия спорт турини ривожлантириш;

спорт-таълим муассасаларида спорт разрядлари ва унвонларига эга бўлган спортчилар сонини ошириш натижасида сифатли ва иқтидорли спортчиларни танлаш, тайёрлаш, селекция қилиш (саралаш) ишларини ташкил қилиш;

спорт-таълим муассасаларида фаолият юритаётган тренерлар, методистлар, шифокорларнинг салоҳиятини оширишга эришиш;

спорт-таълим муассасаларида методистлар томонидан ўқув ва методик ишланмалар сифати сонини ошириш;

спорт-таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини юқори даражага кўтариш;

спорт-таълим муассасаларининг бошқа таълим муассасалари билан ҳамкорлигини оширишга эришиш.

## 3-боб. Рейтинг баҳолашга оид маълумотлар базасини шакллантириш

7. Рейтинг баҳолашга оид маълумотлар базасини шакллантириш Вазирлик томонидан ҳисобот йилидан кейинги йилнинг биринчи чорагида амалга оширилади.

8. Вазирлик томонидан рейтинг баҳолашга оид маълумотлар базасини шакллантириш мақсадида тегишли намунадаги жадваллар ишлаб чиқилади ва рейтинг аниқланаётган йилнинг 20 декабрига қадар спорт-таълим муассасаларига етказилади.

9. Олимпия захиралари ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, олий спорт маҳорати мактаби, олимпия захиралари коллежи, олимпия ва миллий спорт турлари бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернати, футбол маҳорат мактаблари ҳамда республика олий спорт маҳорати мактаблари томонидан уларни рейтинг баҳолашга оид маълумотлари намунавий жадвалларга мувофиқ асословчи ҳужжатлар билан биргаликда 1 февралга қадар Вазирликка тақдим этилади.

Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ҳамда ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари асосида рейтинг баллари Қорақалпоғистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт бошқармалари (кейинги ўринларда бошқармалар деб аталади) томонидан умумлаштирилиб, маълумотлар 1 февралга қадар Вазирликка тақдим этилади.

Асословчи ҳужжатлар тақдим этилмаган тақдирда, маълумотлар рейтингни ҳисоблашда инобатга олинмайди.

10. Рейтинг баҳолашга оид маълумотларнинг ишончлилигини таъминлаш мақсадида Вазирлик томонидан ушбу маълумотлар 1 апрелга қадар таҳлил қилинади ва дастлабки ўрганилган маълумотлар танишиб

чиқиш ва тасдиқлаш учун 10 апрелга қадар спорт-таълим муассасаларига, рейтинг баллари эса бошқармаларга юборилади.

11. Рейтинг баҳолашга оид маълумотлар спорт-таълим муассасалари ҳамда бошқармалар раҳбари имзоси билан тасдиқланган ҳолда 1 майга қадар Вазирликка тақдим этилади. Қўшимча киритиладиган рейтингни аниқлашга оид маълумотлар асословчи ҳужжатлар билан бирга тақдим этилганда ҳисобга олинади.

Рейтинг баҳолашга оид маълумотлар Вазирликка электрон шаклда ҳам тақдим этилиши мумкин.

## 4-боб. Рейтинг баҳолаш натижаларини ҳисоблаш ва эълон қилиш

12. Рейтинг баҳолашга оид тўпланган маълумотлар асосида Вазирлик томонидан спорт-таълим муассасалари рейтинги қуйидаги тартибда аниқланади:

болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактабларини рейтинг баҳолаш – ушбу Низомга 2-иловада келтирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ҳамда ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари асосида;

олимпия захиралари ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, олий спорт маҳорати мактабларини рейтинг баҳолаш – ушбу Низомга 3-иловада келтирилган олимпия захиралари ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ҳамда олий спорт маҳорати мактаблари фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари асосида;

олимпия захиралари коллежлари, олимпия ва миллий спорт турлари бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернатлари ҳамда футбол маҳорат мактабларини рейтинг баҳолаш – ушбу Низомга 4-иловада келтирилган Олимпия захиралари коллежлари, олимпия ва миллий спорт турлари бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернатлари ҳамда футбол маҳорат мактаблари фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари асосида;

республика олий спорт маҳорати мактабларини рейтинг баҳолаш – ушбу Низомга 5-иловада келтирилган республика олий спорт маҳорати мактаблари фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари асосида амалга оширилади.

13. Рейтинг индикаторлари учун балларни ҳисоблаш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

тегишли рейтинг индикатори бўйича энг катта кўрсаткичга эга спорт-таълим муассасалари аниқланади;

энг катта кўрсаткичга эга бўлган спорт-таълим муассасаларига шу индикатор учун белгиланган энг юқори балл берилади;

бошқа барча спорт-таълим муассасаларининг баллари шу индикатор бўйича энг юқори баллга эга бўлган спорт-таълим муассасаларининг кўрсаткичига нисбатан ҳисобланади;

ҳар бир индикатор бўйича ҳисобланган баллар йиғиндиси спорт-таълим муассасалари рейтингини белгилайди.

14. Рейтинг натижалари ҳар йили кейинги ўқув йили бошланишидан кечикмай Вазирликнинг расмий веб-сайтида эълон қилинади ва оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилади.

15. Рейтинг баҳолашга оид маълумотлар Вазирликда 5 йил давомида сақланади.

16. Рейтинг баҳолаш натижаларига кўра 1–3-ўринларни қўлга киритган спорт-таълим муассасалари раҳбарлари 1 июнга қадар спорт-таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан бир марталик пул мукофоти ва "Жисмоний тарбия ва спорт аълочиси" кўкрак нишони билан тақдирланади.

17. Рейтинг баҳолаш натижаларига кўра охирги ўринларни қўлга киритган 10 та спорт-таълим муассасалари фаолиятини яхшилашга қаратилган тадбирлар тегишлилиги бўйича бошқармалар томонидан 1 сентябрга қадар ишлаб чиқилади ва амалга оширилади.

## 5-боб. Якунловчи қоидалар

18. Ушбу Низомни қўллашда юзага келадиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

19. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

ҚҲММБ: 09/20/93/0180-сон
18.02.2020 й.

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия
ва спорт вазирлиги тизимидаги спорт таълим
муассасаларининг фаолияти амарадорлигини рейтинг
тизими асосида баҳолаш тартиби тўғрисида низомга
1-илова

**Спорт-таълим муассасаларининг фаолияти самарадорлиги рейтингини аниқлаш**
**СХЕМАСИ**

| **Босқичлар** | **Субъектлар** | **Тадбирлар** | **Бажариш муддати** |
|---|---|---|---|
| **I. Рейтинг баҳолашга оид маълумотлар базасини шакллантириш** | | | |
| **1-босқич** | Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (кейинги ўринларда Вазирлик деб аталади) | Рейтинг баҳолашга оид маълумотлар базасини шакллантириш мақсадида тегишли намунадаги жадвалларни ишлаб чиқади ва спорт-таълим муассасаларига етказади. | Рейтинг аниқланаётган йилнинг 20 декабрига қадар |
| **2-босқич** | 1. Олимпия захиралари ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, олий спорт маҳорати мактаби, олимпия захиралари коллежи, олимпия ва миллий спорт турлари бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернати, футбол маҳорат мактаблари ҳамда республика олий спорт маҳорати мактаблари (кейинги ўринларда спорт-таълим муассасалари деб аталади)<br><br>2. Қорақалпоғистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт бошқармалари (кейинги ўринларда бошқармалар деб аталади) | 1. Рейтинг баҳолашга оид маълумотларни намунавий жадвалларга мувофиқ асословчи ҳужжатлар билан биргаликда Вазирликка тақдим этади.<br><br>2. Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ҳамда ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари асосида маълумотларни умумлаштириб, Вазирликка тақдим этади. | 1 февралга қадар |
| **3-босқич** | Вазирлик | Рейтинг баҳолашга оид маълумотларнинг ишончлилигини таъминлаш мақсадида уларни таҳлил қилади.<br>Дастлабки ўрганилган маълумотларни танишиб чиқиш ва тасдиқлаш учун спорт-таълим муассасаларига, рейтинг балларини эса бошқармаларга юборади. | 1 апрелга қадар<br><br>10 апрелга қадар |
| **4-босқич** | Спорт-таълим муассасалари ҳамда бошқармалар | Рейтинг баҳолашга оид маълумотларни спорт-таълим муассасалари ҳамда бошқармалар раҳбари имзоси билан тасдиқланган ҳолда Вазирликка тақдим этади. | 1 майга қадар |

ҚҲММБ: 09/20/93/0180-сон
18.02.2020 й.



**II. Рейтинг баҳолаш натижаларини эълон қилиш**

| | | | |
|---|---|---|---|
| **5-босқич** | Вазирлик | Рейтинг натижаларини Вазирликнинг расмий веб-сайтида эълон қилади ва оммавий ахборот воситаларида кенг ёритади. | Ҳар йили кейинги ўқув йили бошланишидан кечикмай |
| **6-босқич** | Вазирлик<br><br>Спорт-таълим муассасалари, жумладан болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ҳамда ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари | Рейтинг баҳолаш натижаларига кўра 1–3-ўринларни қўлга киритган спорт-таълим муассасалари раҳбарларини:<br>“Жисмоний тарбия ва спорт аълочиси” кўкрак нишони;<br>спорт-таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан бир марталик пул мукофоти билан тақдирлайди. | 1 июнга қадар |
| | Бошқармалар | Рейтинг баҳолаш натижаларига кўра охирги ўринларни қўлга киритган 10 та спорт-таълим муассасалари фаолиятини яхшилашга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади. | 1 сентябрга қадар |

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия
ва спорт вазирлиги тизимидаги спорт таълим
муассасаларининг фаолияти амарадорлигини рейтинг
тизими асосида баҳолаш тартиби тўғрисида низомга
2-илова

**Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ҳамда ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари фаолияти самарадорлигини баҳолаш МЕЗОНЛАРИ**

| Т/р | Баҳолаш мезони | | Баллар тақсимоти | Тўпланган балл |
|---|---|---|---|---|
| **I. Моддий-техник базаси мавжудлиги ва унинг ҳолати** (умумий спорт турига нисбатан %) | | | | |
| 1. | Мавжуд спорт турлари бўйича яратилган имконият (ижара инобатга олинмайди) нисбатан | 25-49 % | 2 | |
| | | 50-74 % | 4 | |
| | | 75-100 % | 6 | |
| | Спорт иншоотлари | Спорт иншооти паспорти рақами ва амал қилиш муддати | 2 | |
| | | охирги 3 йилда таъмирланганлиги | 4 | |
| | Спорт жиҳоз ва анжомлари мавжудлиги (меъёрлар бўйича) | 30-50% | 1 | |
| | | 51% – 75 % | 4 | |
| | | 76% –100% | 6 | |
| **II. Спорт турларининг мавжудлиги** (умумий спорт тури сонига нисбатан %) | | | | |
| 2. | Олимпия спорт турлари | 55-70% | 1 | |
| | | 71-85% | 2 | |
| | | 86-100% | 3 | |
| **III. Спортчилар контингенти** (мавжуд спорт турлари сонига нисбатан %) | | | | |
| 3. | Ҳудудда яшайдиган ўқувчи-ёшларга нисбатан спорт мактабига жалб қилинган ёшлар сони | 5% | 1 | |
| | | 10% | 2 | |
| | | 15% ва юқори | 4 | |
| | Ўқув йилида сақлаб қолинган спортчилар сони | 55-70% | 1 | |
| | | 71-85% | 2 | |
| | | 86-100% | 3 | |
| **IV. Спорт разрядларининг бажарилиши** (умумий спортчилар сонига нисбатан %) | | | | |
| 4. | III разряд (ёшлар) | 10-20% | 0,5 | |
| | | 30-40% | 1 | |
| | | 50-60 % | 1,5 | |
| | | 70-80% | 2 | |
| | | 90-100 % | 2,5 | |
| | II разряд (ёшлар) | 10-20% | 1 | |
| | | 30-40% | 1,5 | |
| | | 50-60 % | 2 | |
| | | 70-80% | 2,5 | |
| | | 90-100 % | 3 | |
| | I разряд (ёшлар) | 10-20% | 1,5 | |
| | | 30-40% | 2 | |
| | | 50-60 % | 2,5 | |
| | | 70-80% | 3 | |

ҚҲММБ: 09/20/93/0180-сон
18.02.2020 й.



| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 5. | | 90-100 % | 3,5 | |
| | III разряд (катталар) | 10 % | 2 | |
| | | 20% | 2,5 | |
| | | 30 % | 3 | |
| | | 40 % | 3,5 | |
| | | 50 % | 4 | |
| | | 60 % | 4,5 | |
| | | 70 % | 5 | |
| | | 80 % | 5,5 | |
| | | 90 % | 6 | |
| | | 100 % | 6,5 | |
| | II разряд (катталар) | 10 % | 2,5 | |
| | | 20% | 3 | |
| | | 30 % | 3,5 | |
| | | 40 % | 4 | |
| | | 50 % | 4,5 | |
| | I разряд (катталар) | 10 % | 3 | |
| | | 20% | 3,5 | |
| | | 30 % | 4 | |
| | | 40 % | 4,5 | |
| | | 50 % | 5 | |
| | Спорт усталигига номзод | 10 % | 3,5 | |
| | | 20% | 4 | |
| | | 30 % | 4,5 | |
| | | 40 % | 5 | |
| | | 50 % | 5,5 | |
| | Спорт устаси | 10 % | 4 | |
| | | 20% | 4,5 | |
| | | 30 % | 5 | |
| | | 40 % | 5,5 | |
| | | 50 % | 6 | |
| | Республика терма жамоаси таркиби (асосий ва захира)га қабул қилинган спортчилар | 10 % | 2 | |
| | | 20% | 2,5 | |
| | | 30 % | 3 | |
| | | 40 % | 3,5 | |
| | | 50 % | 4 | |
| | Спортчиларни тизимли равишда кейинги спорт-таълим муассасасига (БЎСМдан-ИБЎСМга, ИОЗСМ, ИОЗМИга) ўтказиш. | 10 % | 2 | |
| | | 20% | 2,5 | |
| | | 30 % | 3 | |
| | | 40 % | 3,5 | |
| | | 50 % | 4 | |
| **V. Тренерлар салоҳияти** (тренерларнинг умумий сонига нисбатан %) | | | | |
| 5. | Олий маълумотли (соҳа бўйича) | 10-20 % | 1 | |
| | | 21-40 % | 1,5 | |
| | | 41-60 % | 2 | |
| | | 61-80 % | 2,5 | |
| | | 81-100 % | 3 | |
| | Олий тоифали | 10-20 % | 1 | |
| | | 21-40 % | 1,5 | |
| | | 41-60 % | 2 | |
| | | 61-80 % | 2,5 | |

ҚҲММБ: 09/20/93/0180-сон
18.02.2020 й.



| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | 81-100 % | | 3 | |
| | Давлат мукофоти билан тақдирланганлар (хизмат кўрсатган мураббий ва шу кабилар) | 5-20 % | | 1 | |
| | | 21-40 % | | 1,5 | |
| | | 41-60 % | | 2 | |
| | | 61-80 % | | 2,5 | |
| | | 81-100 % | | 3 | |
| **VI. Методистлар**<br>(методистларнинг умумий сонига нисбатан %) | | | | | |
| 6. | Олий маълумотли | 5-20 % | | 1 | |
| | | 21-40 % | | 1,5 | |
| | | 41-60 % | | 2 | |
| | | 61-80 % | | 2,5 | |
| | | 81-100 % | | 3 | |
| | Олий тоифали | 5-20 % | | 1 | |
| | | 21-40 % | | 1,5 | |
| | | 41-60 % | | 2 | |
| | | 61-80 % | | 2,5 | |
| | | 81-100 % | | 3 | |
| **VII. Йил давомида эришилган спорт натижалари** (медаллар ҳисобида)<br>(% умумий спортчилар сонига нисбатан нуфузли спорт тадбирлари инобатга олинган ҳолда аниқланади) | | | | | |
| 7. | Туман (шаҳар) биринчилиги | бронза | 55-70 | 0,5 | |
| | | | 71-85 | 1 | |
| | | | 86-100 | 1,5 | |
| | | кумуш | 55-70 | 1 | |
| | | | 71-85 | 1,5 | |
| | | | 86-100 | 2 | |
| | | олтин | 55-70 | 1,5 | |
| | | | 71-85 | 2 | |
| | | | 86-100 | 2,5 | |
| | Ҳудудий (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри) чемпионати | бронза | 55-70 | 1 | |
| | | | 71-85 | 1,5 | |
| | | | 86-100 | 2 | |
| | | кумуш | 55-70 | 1,5 | |
| | | | 71-85 | 2 | |
| | | | 86-100 | 2,5 | |
| | | олтин | 55-70 | 2 | |
| | | | 71-85 | 2,5 | |
| | | | 86-100 | 3 | |
| | Республика чемпионати | бронза | 5-10 % | 2 | |
| | | | 11-25 % | 2,5 | |
| | | | 26-50 % | 3 | |
| | | кумуш | 5-10 % | 2,5 | |
| | | | 11-25 % | 3 | |
| | | | 26-50 % | 3,5 | |
| | | олтин | 5-10 % | 3 | |
| | | | 11-25 % | 3,5 | |
| | | | 26-50 % | 4 | |
| | Халқаро мусобақалар | бронза | 1-5 % | 3,5 | |
| | | | 6-10 % | 4 | |
| | | | 11-20 % | 4,5 | |
| | | кумуш | 1-5 % | 4,5 | |

ҚҲММБ: 09/20/93/0180-сон
18.02.2020 й.



| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | 6-10 % | 5 | |
| | | | 11-20 % | 5,5 | |
| | | олтин | 1-5 % | 5 | |
| | | | 6-10 % | 5,5 | |
| | | | 11-20 % | 6 | |
| **VIII. Шифокорларнинг салоҳияти** (умумий сонга нисбатан %) | | | | | |
| 8. | Олий тоифали | | 10-20 % | 0,5 | |
| | | | 21-40 % | 1 | |
| | | | 41-60 % | 1,5 | |
| | | | 61-80 % | 2 | |
| | | | 81-100 % | 2,5 | |
| **IX. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш** (умумий сонга нисбатан %) | | | | | |
| 9. | Тренерлар | | 10-20 % | 0,5 | |
| | | | 21-40 % | 1 | |
| | | | 41-60 % | 1,5 | |
| | | | 61-80 % | 2 | |
| | | | 81-100 % | 2,5 | |
| | Методистлар | | 10-20 % | 0,5 | |
| | | | 21-40 % | 1 | |
| | | | 41-60 % | 1,5 | |
| | | | 61-80 % | 2 | |
| | | | 81-100 % | 2,5 | |
| | Шифокорлар | | 10-20 % | 0,5 | |
| | | | 21-40 % | 1 | |
| | | | 41-60 % | 1,5 | |
| | | | 61-80 % | 2 | |
| | | | 81-100 % | 2,5 | |
| **X. Ўқув-методик таъминот ва нашр ишлари** (ўқув-методик қўлланма, тавсиянома ва бошқа нашр ишлари) | | | | | |
| 10. | Методик-тавсиянома учун | | Ҳаммуаллиф | 2 | |
| | | | Якка муаллиф | 4 | |
| | Методик-қўлланма учун | | Ҳаммуаллиф | 3 | |
| | | | Якка муаллиф | 6 | |
| | Ўқув қўлланмаси учун | | Ҳаммуаллиф | 5 | |
| | | | Якка муаллиф | 10 | |
| **XI. Бошқа таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлик** | | | | | |
| 11. | Ҳамкорлик тўғрисидаги шартномалар ва битимларнинг мавжудлиги | | | 4 | |
| **XII. Маданий-маърифий ва оммавий спорт тадбирлари** (режа асосида) | | | | | |
| 12. | Тадбирлар ташкил этилганлиги | | | 2 | |

**Изоҳ.** *Спорт мактабларининг фаолияти ўқув йили бўйича рейтинги умумий 110 балл асосида аниқланади:* ***“55-77”*** *балл – қониқарли,* ***“78-93”*** *балл – яхши,* ***“93-110”*** *балл – аъло.*

ҚҲММБ: 09/20/93/0180-сон
18.02.2020 й.

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия
ва спорт вазирлиги тизимидаги спорт таълим
муассасаларининг фаолияти амарадорлигини рейтинг
тизими асосида баҳолаш тартиби тўғрисида низомга
3-илова

**Олимпия захиралари ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ҳамда олий спорт маҳорати мактаблари фаолияти самарадорлигини баҳолаш**
**МЕЗОНЛАРИ**

| Т/р | Баҳолаш мезони | | Баллар тақсимоти | Тўпланган балл |
|---|---|---|---|---|
| **I. Моддий-техник базаси мавжудлиги ва унинг ҳолати** (умумий спорт турига нисбатан %) | | | | |
| 1. | Мавжуд спорт турлари бўйича яратилган имконият (ижара инобатга олинмайди) нисбатан | 25-49 % | 2 | |
| | | 50-74 % | 4 | |
| | | 75-100 % | 6 | |
| | Ётоқхона билан таъминланганлиги | 25-49 % | 1 | |
| | | 50-74 % | 2 | |
| | | 75-100 % | 3 | |
| | Спорт иншоотлари | Спорт иншооти паспорти рақами ва амал қилиш муддати | 2 | |
| | | оҳирги 3 йилда таъмирланганлиги | 4 | |
| | Спорт жиҳоз ва анжомлари мавжудлиги (меъёрлар бўйича) | 30-50% | 1 | |
| | | 51% – 75 % | 4 | |
| | | 76% –100% | 6 | |
| **II. Спортчилар контингенти** (умумий спортчилар сонига нисбатан %) | | | | |
| 2. | БЎСМлардан жалб қилинган спортчилар сони | 5% | 2 | |
| | | 10% | 4 | |
| | | 15% ва юқори | 6 | |
| **III. Спорт разрядларининг бажарилиши** (умумий спортчилар сонига нисбатан %) | | | | |
| 3. | I разряд (катталар) | 10 % | 1 | |
| | | 20% | 1,5 | |
| | | 30 % | 2 | |
| | | 40 % | 2,5 | |
| | | 50 % | 3 | |
| | Спорт усталигига номзод | 10 % | 1,5 | |
| | | 20% | 2 | |
| | | 30 % | 2,5 | |
| | | 40 % | 3 | |
| | | 50 % | 3,5 | |
| | Спорт устаси | 10 % | 2 | |
| | | 20% | 2,5 | |
| | | 30 % | 3 | |
| | | 40 % | 3,5 | |
| | | 50 % | 4 | |
| | Республика терма жамоаси таркиби (асосий ва захира)га қабул қилинган спортчилар | 10 % | 1 | |
| | | 20% | 2 | |
| | | 30 % | 3 | |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | 40 % | 4 | |
| | | 50 % | 5 | |
| **IV. Тренерлар салоҳияти** (тренерларнинг умумий сонига нисбатан %) | | | | |
| 4. | Олий маълумотли (соҳа бўйича) | 10-20 % | 0,5 | |
| | | 21-40 % | 1 | |
| | | 41-60 % | 1,5 | |
| | | 61-80 % | 2,0 | |
| | | 81-100 % | 2,5 | |
| | Олий тоифали | 10-20 % | 1 | |
| | | 21-40 % | 2 | |
| | | 41-60 % | 3 | |
| | | 61-80 % | 4 | |
| | | 81-100 % | 5 | |
| | Давлат мукофоти билан тақдирланганлар (хизмат кўрсатган мураббий ва шу кабилар) | 10-20 % | 1 | |
| | | 21-40 % | 2 | |
| | | 41-60 % | 3 | |
| | | 61-80 % | 4 | |
| | | 81-100 % | 5 | |
| **V. Методистлар** (методистларнинг умумий сонига нисбатан %) | | | | |
| 5. | Олий маълумотли | 10-20 % | 0,5 | |
| | | 21-40 % | 1,0 | |
| | | 41-60 % | 1,5 | |
| | | 61-80 % | 2,0 | |
| | | 81-100 % | 2,5 | |
| | Олий тоифали | 10-20 % | 1 | |
| | | 21-40 % | 2 | |
| | | 41-60 % | 3 | |
| | | 61-80 % | 4 | |
| | | 81-100 % | 5 | |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| **VI. Йил давомида эришилган спорт натижалари** (медаллар ҳисобида) | | | | | |
| 6. | Республика чемпионати | бронза | 10-20 % | 1 | |
| | | | 21-40 % | 2 | |
| | | | 41-60 % | 3 | |
| | | | 61-80 % | 4 | |
| | | | 81-100 % | 5 | |
| | | кумуш | 10-20 % | 2 | |
| | | | 21-40 % | 3 | |
| | | | 41-60 % | 4 | |
| | | | 61-80 % | 5 | |
| | | | 81-100 % | 6 | |
| | | олтин | 10-20 % | 3 | |
| | | | 21-40 % | 4 | |
| | | | 41-60 % | 5 | |
| | | | 61-80 % | 6 | |
| | | | 81-100 % | 7 | |
| | Халқаро турнирлар | бронза | | 1 | |
| | | кумуш | | 1,5 | |
| | | олтин | | 2,5 | |
| | Осиё чемпионатлари | бронза | | 2 | |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | кумуш | 2,5 | |
| | | олтин | 3,5 | |
| | Жаҳон чемпионатлари | бронза | 4 | |
| | | кумуш | 5 | |
| | | олтин | 6,5 | |
| **VII. Шифокорларнинг салоҳияти**<br>(умумий сонга нисбатан %) | | | | |
| 7. | Олий тоифали | 10-20 % | 1 | |
| | | 21-40 % | 2 | |
| | | 41-60 % | 3 | |
| | | 61-80 % | 4 | |
| | | 81-100 % | 5 | |
| **VIII. Қайта тайёрлаш ва малака оширишдан ўтганлиги**<br>(умумий сонга нисбатан %) | | | | |
| 8. | Тренерлар | 10-20 % | 0,5 | |
| | | 21-40 % | 1 | |
| | | 41-60 % | 1,5 | |
| | | 61-80 % | 2,0 | |
| | | 81-100 % | 2,5 | |
| | Методистлар | 10-20 % | 0,5 | |
| | | 21-40 % | 1 | |
| | | 41-60 % | 1,5 | |
| | | 61-80 % | 2,0 | |
| | | 81-100 % | 2,5 | |
| | Шифокорлар | 10-20 % | 0,5 | |
| | | 21-40 % | 1 | |
| | | 41-60 % | 1,5 | |
| | | 61-80 % | 2,0 | |
| | | 81-100 % | 2,5 | |
| **IX. Ўқув-методик таъминот ва нашр ишлари**<br>(ўқув-методик қўлланма, тавсиянома ва бошқа нашр ишлари) | | | | |
| 9. | Методик-тавсиянома учун | Ҳаммуаллиф | 0,5 | |
| | | Якка муаллиф | 1,5 | |
| | Методик-қўлланма учун | Ҳаммуаллиф | 1,0 | |
| | | Якка муаллиф | 2,0 | |
| | Ўқув қўлланмаси учун | Ҳаммуаллиф | 2,0 | |
| | | Якка муаллиф | 2,5 | |
| **X. Бошқа таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлик** | | | | |
| 10. | Ҳамкорлик тўғрисидаги шартномалар ва битимларнинг мавжудлиги | | 4 | |
| **XI. Маданий-маърифий ва оммавий спорт тадбирлари**<br>(режа асосида) | | | | |
| 11. | Таълим муассасасининг жамоатчилик кенгаши йиғилишини ўтказилиши | | 3 | |
| | Тадбирлар ташкил этилганлиги | | 4 | |
| | Спорт машғулотлари ва ўқув машқ йиғинлари назоратга олинганлиги (директор ўринбосарлари ва методистлар) | | 4 | |

**Изоҳ.** *Спорт мактабларининг фаолияти ўқув йили бўйича рейтинги умумий 110 бал асосида аниқланади:* ***“55-77”*** *балл – қониқарли,* ***“78-93”*** *балл – яхши,* ***“93-110”*** *балл – аъло.*

ҚҲММБ: 09/20/93/0180-сон
18.02.2020 й.

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия
ва спорт вазирлиги тизимидаги спорт таълим
муассасаларининг фаолияти амарадорлигини рейтинг
тизими асосида баҳолаш тартиби тўғрисида низомга
4-илова

**Олимпия захиралари коллежлари, олимпия ва миллий спорт турлари бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернатлари ҳамда футбол маҳорат мактаблари фаолияти самарадорлигини баҳолаш**
**МЕЗОНЛАРИ**

| Т/р | Баҳолаш мезони | | Баллар тақсимоти | Тўпланган балл |
|---|---|---|---|---|
| **I. Моддий-техник базаси мавжудлиги ва унинг ҳолати** (умумий спорт турига нисбатан %) | | | | |
| 1. | Мавжуд спорт турлари бўйича (ижара инобатга олинмайди) | 25-49 % | 1 | |
| | | 50-74 % | 2 | |
| | | 75-100 % | 3 | |
| | Спорт иншоотлари | Спорт иншооти паспорти рақами ва амал қилиш муддати | 2 | |
| | | оҳирги 3 йилда таъмирланганлиги | 4 | |
| | Спорт жиҳоз ва анжомлари мавжудлиги (меъёрлар бўйича) | 30-50% | 1 | |
| | | 51% – 75 % | 4 | |
| | | 76% –100% | 6 | |
| **II. Спорт разрядларининг бажарилиши** (умумий спортчилар сонига нисбатан %) | | | | |
| 2. | I разряд (катталар) | 10-20% | 1 | |
| | | 30-40% | 1,5 | |
| | | 50-60% | 2 | |
| | | 70-80% | 2,5 | |
| | | 90-100% | 3 | |
| | Спорт усталигига номзод | 10 % | 1,5 | |
| | | 20% | 2 | |
| | | 30 % | 2,5 | |
| | | 40 % | 3 | |
| | | 50 % | 3,5 | |
| | Спорт устаси | 10 % | 2 | |
| | | 20% | 2,5 | |
| | | 30 % | 3 | |
| | | 40 % | 3,5 | |
| | | 50 % | 4 | |
| | Республика терма жамоаси таркиби (асосий ва захира)га қабул қилинган спортчилар | 10 % | 2 | |
| | | 20% | 3 | |
| | | 30 % | 4 | |
| | | 40 % | 5 | |
| | | 50 % | 6 | |
| | ОТМга қабул қилинган | 10 % | 1 | |

ҚҲММБ: 09/20/93/0180-сон
18.02.2020 й.



| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | битирувчилар | | 20% | 2 | |
| | | | 30 % | 3 | |
| | | | 40 % | 4 | |
| | | | 50 % | 5 | |
| **III. Тренерлар салоҳияти** (тренерларнинг умумий сонига нисбатан %) | | | | | |
| 3. | Олий маълумотли (соҳа бўйича) | | 10-20 % | 0,5 | |
| | | | 21-40 % | 1 | |
| | | | 41-60 % | 1,5 | |
| | | | 61-80 % | 2 | |
| | | | 81-100 % | 2,5 | |
| | Олий тоифали | | 10-20 % | 1 | |
| | | | 21-40 % | 2 | |
| | | | 41-60 % | 3 | |
| | | | 61-80 % | 4 | |
| | | | 81-100 % | 5 | |
| | Давлат мукофоти билан тақдирланганлар (хизмат кўрсатган мураббий ва шу кабилар) | | 10-20 % | 1 | |
| | | | 21-40 % | 2 | |
| | | | 41-60 % | 3 | |
| | | | 61-80 % | 4 | |
| | | | 81-100 % | 5 | |
| **IV. Методистлар** (методистларнинг умумий сонига нисбатан %) | | | | | |
| 4. | Олий маълумотли | | 10-20 % | 0,5 | |
| | | | 21-40 % | 1 | |
| | | | 41-60 % | 1,5 | |
| | | | 61-80 % | 2 | |
| | | | 81-100 % | 2,5 | |
| | Олий тоифали | | 10-20 % | 1 | |
| | | | 21-40 % | 2 | |
| | | | 41-60 % | 3 | |
| | | | 61-80 % | 4 | |
| | | | 81-100 % | 5 | |
| **V. Йил давомида эришилган спорт натижалари** (медаллар ҳисобида) | | | | | |
| 5. | Республика чемпионати | бронза | 10-20 % | 1 | |
| | | | 21-40 % | 2 | |
| | | | 41-60 % | 3 | |
| | | | 61-80 % | 4 | |
| | | | 81-100 % | 5 | |
| | | кумуш | 10-20 % | 2 | |
| | | | 21-40 % | 3 | |
| | | | 41-60 % | 4 | |
| | | | 61-80 % | 5 | |
| | | | 81-100 % | 6 | |
| | | олтин | 10-20 % | 3 | |
| | | | 21-40 % | 4 | |
| | | | 41-60 % | 5 | |
| | | | 61-80 % | 6 | |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | 81-100 % | 7 | |
| | Халқаро турнирлар | бронза | 2 | |
| | | кумуш | 3 | |
| | | олтин | 4 | |
| | Осиё чемпионатлари | бронза | 3 | |
| | | кумуш | 4 | |
| | | олтин | 5 | |
| | Жаҳон чемпионатлари | бронза | 4 | |
| | | кумуш | 5 | |
| | | олтин | 6 | |
| | Осиё ўйинлари | бронза | 5 | |
| | | кумуш | 6 | |
| | | олтин | 7 | |
| | Олимпия ўйинлари (ёшлар) | Иштироки | 6 | |
| | | бронза | 8 | |
| | | кумуш | 9 | |
| | | олтин | 10 | |
| **VI. Шифокорларнинг салоҳияти**<br>(умумий сонга нисбатан %) | | | | |
| 6. | Олий тоифали | 10-20 % | 1 | |
| | | 21-40 % | 2 | |
| | | 41-60 % | 3 | |
| | | 61-80 % | 4 | |
| | | 81-100 % | 5 | |
| **VII. Қайта тайёрлаш ва малака оширишдан ўтганлиги**<br>(умумий сонга нисбатан %) | | | | |
| 7. | Тренерлар | 10-20 % | 0,5 | |
| | | 21-40 % | 1 | |
| | | 41-60 % | 1,5 | |
| | | 61-80 % | 2 | |
| | | 81-100 % | 2,5 | |
| | Методистлар | 10-20 % | 0,5 | |
| | | 21-40 % | 1 | |
| | | 41-60 % | 1,5 | |
| | | 61-80 % | 2 | |
| | | 81-100 % | 2,5 | |
| | Шифокорлар | 10-20 % | 0,5 | |
| | | 21-40 % | 1 | |
| | | 41-60 % | 1,5 | |
| | | 61-80 % | 2 | |
| | | 81-100 % | 2,5 | |
| | Педагоглар | 10-20 % | 0,5 | |
| | | 21-40 % | 1 | |
| | | 41-60 % | 1,5 | |
| | | 61-80 % | 2 | |
| | | 81-100 % | 2,5 | |
| **VIII. Ўқув-методик таъминот ва нашр ишлари**<br>(ўқув-методик қўлланма, тавсиянома ва бошқа нашр ишлари) | | | | |
| 8. | Методик-тавсиянома учун | Ҳаммуаллиф | 0,5 | |
| | | Якка муаллиф | 1,5 | |

ҚҲММБ: 09/20/93/0180-сон
18.02.2020 й.



| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | Методик-қўлланма учун | Ҳаммуаллиф | | 1 | |
| | | Якка муаллиф | | 2 | |
| | Ўқув қўлланмаси учун | Ҳаммуаллиф | | 2 | |
| | | Якка муаллиф | | 2,5 | |
| **IX. Ўқувчи-спортчиларнинг фанлар бўйича ўзлаштириш кўрсаткичи** | | | | | |
| 9. | Ҳар икки чоракда бир марта умуммий ўқув режасидаги фанларни ўзлаштириш кўрсаткичи орқали аниқланади (умумий ўқувчи-спортчилар сонига нисбатан %) | Яхши | 10-20 % | 0,5 | |
| | | | 21-40 % | 1 | |
| | | | 41-60 % | 1,5 | |
| | | | 61-80 % | 2 | |
| | | | 81-100 % | 2,5 | |
| | | Аъло | 10-20 % | 1 | |
| | | | 21-40 % | 1,5 | |
| | | | 41-60 % | 2 | |
| | | | 61-80 % | 2,5 | |
| | | | 81-100 % | 3 | |
| **XI. Бошқа таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлик** | | | | | |
| 10. | Ҳамкорлик тўғрисидаги шартномалар ва битимларнинг мавжудлиги | | | 4 | |
| **XI. Маданий-маърифий ва оммавий спорт тадбирлари** (режа асосида) | | | | | |
| 11. | Таълим муассасасининг жамоатчилик кенгаши йиғилиши ўтказилиши | | | 3 | |
| | Тадбирлар ташкил этилганлиги | | | 4 | |
| | Спорт машғулотлари ва ўқув машқ йиғинлари назоратга олинганлиги (директор муовинлари ва услубчилар) | | | 4 | |

**Изоҳ.** *Спорт мактабларининг фаолияти ўқув йили бўйича рейтинги умумий 110 балл асосида аниқланади: **“55-77”** балл – қониқарли, **“78-93”** балл – яхши, **“93-110”** балл – аъло.*

ҚҲММБ: 09/20/93/0180-сон
18.02.2020 й.

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия
ва спорт вазирлиги тизимидаги спорт таълим
муассасаларининг фаолияти амарадорлигини рейтинг
тизими асосида баҳолаш тартиби тўғрисида низомга
5-илова

**Республика олий спорт маҳорати мактаблари фаолияти**
**самарадорлигини баҳолаш**
**МЕЗОНЛАРИ**

| **Т/р** | **Баҳолаш мезони** | | **Баллар тақсимоти** | **Тўпланган балл** |
|---|---|---|---|---|
| **I. Моддий-техник базаси мавжудлиги ва унинг ҳолати** (умумий спорт турига нисбатан %) | | | | |
| 1. | Мавжуд спорт турлари бўйича (ижара инобатга олинмайди) | 25-49 % | 1 | |
| | | 50-74 % | 2 | |
| | | 75-100 % | 3 | |
| | Спорт иншоотлари | Спорт иншооти паспорти рақами ва амал қилиш муддати | 2 | |
| | | оҳирги 3 йилда таъмирланганлиги | 4 | |
| | Спорт жиҳоз ва анжомлари мавжудлиги (меъёрлар бўйича) | 30-50% | 1 | |
| | | 51% – 75 % | 4 | |
| | | 76% –100% | 6 | |
| **II. Спорт разрядларининг бажарилиши** (умумий спортчилар сонига нисбатан %) | | | | |
| 2. | Спорт устаси | 10 % | 1 | |
| | | 20% | 2 | |
| | | 30 % | 3 | |
| | | 40 % | 4 | |
| | | 50 % | 5 | |
| | Халқаро тоифадаги спорт устаси | 0-20 % | 4 | |
| | | 21-40% | 5 | |
| | | 41-60 % | 6 | |
| **III. Тренерлар салоҳияти** (тренерларнинг умумий сонига нисбатан %) | | | | |
| 3. | Олий маълумотли (соҳа бўйича) | 10-20 % | 0,5 | |
| | | 21-40 % | 1,0 | |
| | | 41-60 % | 1,5 | |
| | | 61-80 % | 2 | |
| | | 81-100 % | 2,5 | |
| | Олий тоифали | 10-20 % | 1 | |
| | | 21-40 % | 2 | |
| | | 41-60 % | 3 | |
| | | 61-80 % | 4 | |
| | | 81-100 % | 5 | |
| | Давлат мукофоти билан тақдирланганлар (хизмат кўрсатган | 10-20 % | 1 | |
| | | 21-40 % | 2 | |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | мураббий ва шу кабилар) | 41-60 % | 3 | |
| | | 61-80 % | 4 | |
| | | 81-100 % | 5 | |
| **IV. Методистлар**<br>(методистларнинг умумий сонига нисбатан %) | | | | |
| 4. | Олий маълумотли | 10-20 % | 0,5 | |
| | | 21-40 % | 1 | |
| | | 41-60 % | 1,5 | |
| | | 61-80 % | 2 | |
| | | 81-100 % | 2,5 | |
| | Олий тоифали | 10-20 % | 1 | |
| | | 21-40 % | 2 | |
| | | 41-60 % | 3 | |
| | | 61-80 % | 4 | |
| | | 81-100 % | 5 | |
| **V. Йил давомида эришилган спорт натижалари** (медаллар ҳисобида) | | | | |
| 5. | Республика чемпионати (бронза, кумуш, олтин) | 10-20 % | 2 | |
| | | 21-40 % | 3 | |
| | | 41-60 % | 4 | |
| | | 61-80 % | 5 | |
| | | 81-100 % | 6 | |
| | Халқаро турнирлар | бронза | 3 | |
| | | кумуш | 4 | |
| | | олтин | 5 | |
| | Осиё чемпионати (кубок) | бронза | 4 | |
| | | кумуш | 5 | |
| | | олтин | 6 | |
| | Жаҳон чемпионати (кубок) | Иштироки | 4 | |
| | | бронза | 5 | |
| | | кумуш | 6 | |
| | | олтин | 7 | |
| | Осиё ўйинлари | Иштироки | 5 | |
| | | бронза | 6 | |
| | | кумуш | 7 | |
| | | олтин | 8 | |
| | Олимпия ўйинлари | Иштироки | 6 | |
| | | бронза | 7 | |
| | | кумуш | 8 | |
| | | олтин | 9 | |
| **VI. Шифокорларнинг салоҳияти**<br>(умумий сонга нисбатан %) | | | | |
| 6. | Олий тоифали | 10-20 % | 1 | |
| | | 21-40 % | 2 | |
| | | 41-60 % | 3 | |
| | | 61-80 % | 4 | |
| | | 81-100 % | 5 | |
| **VII. Қайта тайёрлаш ва малака оширишдан ўтганлиги**<br>(умумий сонга нисбатан %) | | | | |
| 7. | Тренерлар | 10-20 % | 0,5 | |
| | | 21-40 % | 1 | |

ҚҲММБ: 09/20/93/0180-сон
18.02.2020 й.



| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | 41-60 % | 1,5 | |
| | | 61-80 % | 2 | |
| | | 81-100 % | 2,5 | |
| | Методистлар | 10-20 % | 0,5 | |
| | | 21-40 % | 1 | |
| | | 41-60 % | 1,5 | |
| | | 61-80 % | 2 | |
| | | 81-100 % | 2,5 | |
| | Шифокорлар | 10-20 % | 0,5 | |
| | | 21-40 % | 1 | |
| | | 41-60 % | 1,5 | |
| | | 61-80 % | 2 | |
| | | 81-100 % | 2,5 | |
| **VIII. Ўқув-методик таъминот ва нашр ишлари**<br>(ўқув-методик қўлланма, тавсиянома ва бошқа нашр ишлари) | | | | |
| 8. | Методик-тавсиянома учун | Ҳаммуаллиф | 0,5 | |
| | | Якка муаллиф | 1,5 | |
| | Методик-қўлланма учун | Ҳаммуаллиф | 1 | |
| | | Якка муаллиф | 2 | |
| | Ўқув қўлланмаси учун | Ҳаммуаллиф | 2 | |
| | | Якка муаллиф | 2,5 | |
| **XI. Бошқа таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлик** | | | | |
| 9. | Ҳамкорлик тўғрисидаги шартномалар ва битимларнинг мавжудлиги | | 4 | |
| **X. Маданий-маърифий ва оммавий спорт тадбирлари**<br>(режа асосида) | | | | |
| 10. | Тадбирлар ташкил этилганлиги ва спорт машғулотлари ва ўқув машқ йиғинлари назоратга олинганлиги (директор муовинлари ва услубчилар) | | 4 | |
| | Таълим муассасасининг жамоатчилик кенгаши йиғилиши ўтказилиши | | 4 | |

**Изоҳ.** *Спорт мактабларининг фаолияти ўқув йили бўйича рейтинги умумий 110 бал асосида аниқланади:* ***“56-77”*** *балл – қониқарли,* ***“78-93”*** *балл – яхши,* ***“93-110”*** *балл – аъло.*

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI * UMUMIY BO'LIM № 3